

12-МАВЗУ: САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ (8 соат)

РЕЖА:

- 1.Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тушунчаси.**
- 2.Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатининг умумий хусусиятлари;**
- 3.Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати;**
- 4. Транспорт ерларининг ҳуқуқий ҳолати;**
- 5.Алоқа ва мудофаа эҳтиёжларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**

Ўтилган мавзунини такрорлаш бўйича саволлар:

- 1. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати қайси қонунчилик ҳужжатлари меъёрлари билан тартибга солинади?**
- 2. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатида қандай хусусиятлар мавжуд?**

*Ўзбекистон Республикаси
*Ер кодекси
*(8-боб 69-70 моддалари)

Ўзбекистон
Республикаси
шахарсозлик кодекси
(6-боб)

**Ер фондининг
3-тоифасида юзага
келадиган ер
муносабатларини
тартибга
солувчи манбалар**

**Қонун ости
ҳужжатлари**

Ўзбекистон
Республикасининг
саноат, транспорт, алоқа,
мудофаа ва бошқа
мақсадларга
мўлжалланган
ерлардан фойдаланиш
тартибини белгиловчи
махсус қонунлар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА,
МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МАХСУС ҚОНУНЛАР ВА
ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Ўзбекистон
Республикаси
қонуни “Ер
ости
бойликлари
тўғрисида”
(23.09.1994 й
10 бўлим 51
модда)

Ўзбекистон
Республикаси
и қонуни
“Телекомму
никациялар
тўғрисида”
(20.08.1999
й.
28 модда)

Ўзбекистон
Республикаси
қонуни
“Автомобил
йўллари
тўғрисида”
(29.06.2007 й.
6 боб 30
модда)

Ўзбекистон
Республикаси
и қонуни
“Мудофаа
тўғрисида”
(03.07.1992 й.
17 модда)

**Қонун ости
ҳужжатлари
(619, 626)**

**УШБУ ТОИФА
ЕРЛАРИ
ҲУҚУҚИЙ
ҲОЛАТИДАГИ
АСОСИЙ
ҲУСУСИЯТЛАР**

Ушбу тоифага кирувчи ерлар турли ҳил вазирликлар ва қўмиталар бошқарувида бўлади

Ушбу тоифа ерлари асосан ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун берилади

Ушбу тоифа таркибига кирувчи ерларнинг ҳуқуқий ҳолати на фақат Ер кодекси балки бошқа идоравий ҳужжатлар нормалари билан ҳам тартибга солинади

Ушбу тоифа ерлари атрофида санитария-муҳофаза зоналари ўрнатилади.

12-МАВЗУ. 3-МАЪРУЗА : САНОАТ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

РЕЖА:

- 1. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерларда ер муносабатларини тартибга солувчи манбалар;**
- 2. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати.**

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

Талабалар сони 96	12-Мавзу, 2-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	1. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерларда ер муносабатларини тартибга солувчи манбалар; 2. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати.
Машғулотнинг мақсади:	Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурни бериш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерларда ер муносабатларини тартибга солувчи манбалар тўғрисида тушунча беради; 2. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради.	1. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерларда ер муносабатларини тартибга солувчи манбалар тасаввурга эга бўлади; 2. Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, коллектив иш,
Ўқитиш шарт шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР:

Асосий адабиётлар:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
3. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
4. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
5. Mirzaabdullaeva M.R., Muqimov A., Xafizova Z.X. Yer huquqi. O'quv qo'llanma. -Т.:TIMI, 2016, – 202 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
2. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. – Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
3. Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998
5. Ўзбекистон Республикасининг саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартибини белгиловчи махсус қонунлар ва қонуности ҳужжатлари.

Интернет ва Зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. <http:// zakon. rin. ru>

**Саноат
максадларига
мўлжалланган
ерлар
тушунчаси**

ЕК 69-
модда

Саноат максадларига
мўлжалланган ерлар
жумласига саноат
корхоналарига, шу
жумладан кон саноати,
энергетика корхоналарига
ишлаб чиқариш ва
ёрдамчи бинолар ҳамда
иншоотлар қуриш учун
доимий фойдаланишга
берилган ерлар

САНОАТ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ер кодекси
(69-70 моддалар)

Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар

республикамиз қонунчилигига кўра давлат мулки хисобланади. Шунинг учун саноат ерлари давлатнинг ерга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширувчи тегишли маҳаллий ҳокимият органлари томонидан саноат корхоналарига доимий эгалик ҳуқуқи асосида берилади. Демак, ер қонунчилигининг ердан доимий эгалик ҳуқуқи асосида фойдаланишга тааллуқли бўлган барча қоидалари саноат мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда асос ролини ўйнайди.

САНОАТ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ЕРЛАР АЖРАТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР

**Саноат ерлари асосан
шахар ва шахар типдаги
посёлкалардан ташқарида
саноат корхоналарини
жойлаштириш ва ишлатиш
учун ажратиб берилади.**

**Саноат ерлари шахар, посёлка,
қишлоқ пунктлари ерлари
таркибида жойлашади. Бундай
ерлар пункти ерлари тоифасига
кириб, уларнинг ҳуқуқий ҳолати
шу тоифа ерлар ҳуқуқий ҳолатига
мувофиқ равишда белгиланади.**



АХОЛИ ПУНКТИ ИЧИДА САНОАТ КОРХОНАСИ ЖОЙЛАШГАН ХУДУД

АХОЛИ ПУНКТИ ИЧИДА САНОАТ КОРХОНАСИ ЖОЙЛАШГАН ХУДУД

Отображение трехмерной модели

Вид Модель Синхронизация карт Освещение Параметры Помощь



-16м 32° -43°

24.8км/ч

[1344]x 618

эґалиги

**Саноат ерлари саноат
корхоналарининг эґалигида
бўлади**

бошқарилиши

**Тегишли вазирлик ва давлат
қўмиталари томонидан
бошқарилади**

субъекти

**Саноат корхоналари шу тоифа
ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг
бирламчи субъектлари бўлиб
хисобланадилар**

объекти

**Саноат корхоналарининг ўз
вазифаларини амалга ошириш учун
берилган ерлари саноат ерлари
объектини ташкил этади**

**Саноат
мақсадларига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланишга
қўйилган
талаблар**

Саноат корхоналарига берилган ер участкалари саноат иншоотларини жойлаштириш ишлаб чиқаришни ташкил этиш талаблари асосида фойдаланилади

Саноат корхоналарига берилган ер участкаларидан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилмайди

Саноат корхоналари саноат мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланишда ер қонунчилиги нормаларига қатъий риоя этишлари шарт

Саноат корхоналари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шаҳар хокимларининг қарорига биноан юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин

**Саноат
мақсадларига
мўлжалланган
ерлардан
фойдаланиш
қоидалари**

ердан олдиндан белгиланмаган
муддатда фойдаланиш

ердан белгиланган мақсадда
фойдаланиш

ердан фойдаланганлик учун ҳақ
тўлаш

ердан фойдаланиш ҳуқуқини вужудга
келиш асослари ва тартиби

ердан фойдаланишни бекор бўлиш
асослари ва тартиби

ер қонунчилигини бузганлик учун
жавобгарлик

Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар

Кон саноати мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар бир вақтнинг ўзида 2 та кўринишда табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ: ердан фойдаланиш ва қазилма бойликдан фойдаланиш., яъни қўшма ер-кон муносабатларини тартибга солиш.билан. Бундай ҳолатда қазилма бойликдан фойдаланиш бирламчи, яъни ердан фойдаланишга нисбатан устувор бўлади. Чунки ер участкасига бўлган талаб қазилма бойликка бўлган талабдан келиб чиқади. Бунда ердан фойдаланиш қазилма бойликдан фойдаланиш учун шароит яратишга хизмат қилади

Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар

Қазилма бойликлардан фойдаланиш учун бириктирилган ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолатида бир қатор хусусиятлар мавжуд, бу биринчи навбатда ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиш асоси билан боғлиқ, чунки лицензияга мувофиқ қазилма бойликлардан фойдаланувчига қазилма бойлик участкаси кон учун ер ажратиш орқали ажратиб берилиши ер участкаси ажратиш учун асос бўлади.

Саноат мақсадлари учун мўлжалланган ерлар ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар

Ердан фойдаланиш ва кондан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ, лекин бу боғлиқлик турли ҳолатларда турлича. Бир хил ҳолатларда ердан фойдаланиш конан фойдаланиш учун шароит яратиб бериш учун хизмат қилади. Демак кондан фойдаланувчи корхона маълум ер участкасини эгалламасдан туриб қурилиши ва ўз фаолиятини юритиши мумкин эмас. Бунда корхона биринчи навбатда кондан фойдаланувчи ҳисобланади. Ердан фойдаланиш ўз навбатида мустақил бўлса ҳам кондан фойдаланишга нисбатан бўйсунувчидек, иккиламчи характердагидек бўлиб кўринади. Бошқа томондан ердан фойдаланувчи субъект бир вақтнинг ўзида кондан фойдаланувчи сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «**Қазилма бойликлари тўғрисида**» қонунининг 15 –моддасига кўра **«Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзларига ажратиб берилган ер участкалари доирасида ўз хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ер ости сувларини қазиб чиқариш ва ер ости иншоотларини қуриш мақсадида ер ости бойликларидан лицензиясиз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар»**. Бундай ҳолатда кондан фойдаланиш ҳуқуқи ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунининг бир элементи сифатида намоён бўлади.

Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражсини аниқлаш учун блиц саволлар


- 1. Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар қаерларда жойлаштирилади?**
- 2. Саноат мақсадларига мўлжалланган ерларнинг субъектлари кимлар ва объектларини нималар ташкил этади?**
- 3. Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар атрофида муҳофаза зоналари қандай ташкил этилади?**

ДИҚҚАТ!!!

Хурматли талабалар 1-ОН натижаларини қайдномага қўйишга 2 кун қолди

ФИКР.МУЛОХАЗА.ИСБОТ

■ **ФСМУ**



- **Ф** – Фикрингизни баён этинг
- **С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- **М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- **У** – Фикрларингизни умумлаштиринг, хулосаланг